

01/2-02-31  
25.06.2021

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Самарқанд вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғининг



биринчи ўринбосари,  
Комиссия раиси

Ш.Абдиев

Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг коррупцияга қарши  
Идоравий комиссияси йиғилиши

**БАЁННОМАСИ**

2021 йил 25 июнь

№ 2

Самарқанд шаҳри

**Раислик қилувчи:** Ш.А.Абдиев Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Қатнашдилар:** Ш.З.Тошпўлотов Бошқарма бошлиғи ўринбосари  
Комиссия аъзолари, бошқарма бўлим бошлиқлари ва ходимлари ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ**

Самарқанд вилояти статистика бошқармасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан белгиланган вазифаларнинг 2021 йил январь-июнь ойлари давомида бажарилиши муҳокамаси тўғрисида.

(Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, З.Давронов, Ф.Эшонкулов, комиссия аъзолари, Ш.Абдиев)

Комиссия йиғилишида, жорий йилнинг 25 июнь куни вилоят статистика бошқармасида коррупцияга қарши идоравий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари коррупцияга қарши Идоравий комиссияси раиси Ш.Абдиев сўзга чиқиб, вилоят статистика бошқармаси томонидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан белгиланган вазифаларнинг 2021 йил январь-июнь ойлари давомида бажарилиши борасида ахбороти тингланди.

Шунингдек йиғилишда, тизим органларида коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тизим органларида ушбу фармон талабларига сўзсиз амал қилишлари жумладан, тизим ходимларига янгидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни



доимий равишда таништириб, уларнинг мазмун-моҳиятини белгиланган тартибда тизим ходимларига тушунтириш учун масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқларни белгилаб берди.

Шу жумладан, 2021 йилнинг январь-июнь ойлари давомида жисмоний ва юридик шахслар ўртасида статистика тизимида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик чоралари кўрилганлиги ҳамда унинг барвақт олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Жумладан, бошқарманинг расмий веб-сайтида бошқарма раҳбарияти тўғрисидаги маълумотлар, “Ишонч телефонлари” тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид ҳужжатлар ва ахборотлар жойлаштирилган. Бошқарманинг веб-сайтига Қўмитанинг жисмоний ва юридик шахслар ўртасида “Давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровнома”си жойлаштирилганлиги ва веб-сайт орқали интерактив хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Вилоят статистика бошқармаси томонидан тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидалари бўйича чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш, тизим ходимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, барча даражадаги тизим раҳбарлари ва ходимларининг ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажаришлари юзасидан масъулиятларини янада ошириш, одоб-ахлоқ қоидалари ижроси мониторингини олиб бориш ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ишларини тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизими ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика органларининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом” ва Давлат статистика қўмитасининг одоб-ахлоқ комиссияси таркиби тасдиқланиб, уларга сўзсиз амал қилиш ва ижросини таъминлаш бўйича вилоят статистика бошқармаси тизимида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисобот йилида ўтказилган семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувларда жисмоний ва юридик шахсларга коррупция ҳолатларини олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашишга оид махсус буклетлар тарқатилмоқда.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари кучайтирилиб, улар иштирокида алоҳида давра суҳбатлари ташкил этилиб келинмоқда.

Бошқарма томонидан “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари, статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тадбиркорлик субъектларига тушунтириш ҳамда улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган камчиликларни олдини олиш борасида жорий йил давомида амалга ошириладиган профилактика ишлари бўйича чора-тадбирлар режаси” доирасида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тизимда мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш, статистик маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнларида холислик, беғаразлик, очиқ-ойдинлик, ошкоралик, статистика ҳисоботини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашшни истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратиш принципларига қатъий амал қилиш ва назоратни янада кучайтириш зарурлиги, бу борада юз бериши мумкин бўлган коррупция ҳолатларига қатъий чек қўйиш шартлиги таъкидлаб ўтилди.



Кун тартибдаги масалани муҳокама қилиб, идоравий комиссия йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят статистика бошқармаси томонидан коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан белгиланган вазифаларнинг 2021 йил январь-июнь ойлари давомида бажарилиши шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар юзасидан, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари коррупцияга қарши Идоравий комиссияси раиси Ш.Абдиевнинг берган ахбороти тизимда раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бошқарма томонидан 2021 йил давомида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши таъминлансин.

3. Бошқарманинг коррупцияга қарши идоравий комиссияси, бошқарма бўлимлари ҳамда шаҳар ва туман статистика бўлимлари бошлиқлари:

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни талабларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсинлар ва бу борада қатъий назорат ўрнатилсин.

4. Ушбу баённома қарорининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия котиби



Х.Холмўминов